

"ZILOL QURILISH OMAD"МЧЖ, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Х.Хумаев номидан, бир томондан ва **Коровулбозор Саноат ва транспорт коллежи** кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи У.Расулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган смета хужжатларига асосан коллеж биноси иссотиш тизимини таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

### 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан бажариладиган ишларининг қиймати **299 000 000 (Икки юз туксон туккиз миллион)** сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Бажариладиган ишларининг бошланиши «19» декабр 2022 йил.
- 2.3. Бажариладиган ишларининг тугаши вақти «31» декабр 2022 йил.

### 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Смета хужжатларига асосан иссотиш тизимини таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди.
- 3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.4. Бажариладиган ишларини тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.5. Бажарилган ишларини тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

### 4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий **299 000 000 (Икки юз туксон туккиз миллион)** сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» бажариладиган ишлари бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 89.700.000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг декабр ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим қилгандан сунг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 209.300.000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил «31» декабргача амалга оширилади.
- 4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

### 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси **299 000 000 (Икки юз туксон туккиз миллион)** сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Смета хужжатларига асосан иссиклик тизимини таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган таъмирлаш ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тўлайди:  
- Бажарилган ишлар муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,4 % миқдорида пеня тулайди.
- 5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 5-сонли далолатномани тузади..

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,4% микдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 3-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## 7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет Кодекси»нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007й 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабаргача амалда бўлади

## 9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет Кодекси»нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007й 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Пудратчи»

**"ZILOL QURILISH OMAD" МЧЖ**

(Пудрат ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро ш. Намозгоҳ кучаси 99

Тел./факс: +998981160307

х/в: 20208000300390408001

Банк номи: ТОШКЕНТ Ш.,

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ"

АТБ БОШ ОФИСИ

МФО: 00440 СТИР: 303044274

ОКЗЛ: 660889



Раҳбар: А.Х. Жумаев  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.):

«Буюртмачи»

Коровулбозор Саноат транспорт коллежи

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор ш.

Тел/факс: 364-15-43

ш/хв 100010860062327092901079001

СТИРи: 203751894

ОКОНХ : 92120

Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк тошкент шахри

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи\_201122919

Раҳбар: У.Расулов  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

В.Б. Б. Жумаев